Ушбу сонда:
2 ПОК ТУЙҒУ БИЛАН ЯШАЙДИГАНЛАР КАМ БЎЛМАЙДИ
3 БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ
4 МУМТОЗ ҚУШИҚЛАР СЕҲРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 8 декабр, шанба № 192 (1206)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Австрия Республикаси Федерал Президенти Томас Клестилнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 10-12 декабр кунлари расмий ташриф билан Австрияда бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

2002 ЙИЛ ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

Анъанага кўра, бу йил ҳам 7 декабр - мустақил Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун арафасида пойтахтимиздаги мухташам «Туркистон» саройида ўтказилган тантанали маросимга мамлакатимизнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари йиғилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 9 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишни Тошкент шаҳри ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Олий Мажлис Раиси Э.Халилов Конституциямизнинг тўққиз йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида халқимиз ҳаётида юз бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Асосий Қонунда белгилаб берилган мезонларнинг амалий самараси кундалик ҳаётимизда ўз аксини топа борса, халқимиз, давлатимиз, ҳар бир фуқаро ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва муддаоларига тезроқ эришади.

Мустақилликнинг илк кунларидаёқ мамлакатимизда инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Мана, неча йилдирки, ҳар янги йил юртимизга янги бир хайрли ном билан кириб келади. Бу ном ортида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тинчлиги, аёллар саломатлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси ётади.

Конституция байрами арафасида бошланадиган яна бир яхши анъанага кўра, мамлакатимиз раҳбари кириб келаётган 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилди. «Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор. Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди», деб таъкидлади Юртбошимиз.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда аёлларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилаётгани, уларнинг соғлигини тиклаш, жамиятдаги нуфузини ошириш борасида узоқни кўзлаган давлат дастурларининг қабул қилинаётгани боис жамиятнинг руҳий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз очмоқда. Аёлга, онага иззат-икром кўрсатилаётган юртда тинчлик ва осойишталик энг муҳим қадриятлардан бирига айланди.

Кириб келаётган йилнинг Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон этилиши эса мамлакатимизда инсон шахсини, унинг маънавий ва ижтимоий манфаатларини янада теран ҳимоя этиш, жамият эътиборини хонадонимизнинг кўрки, эзгу ниятларимизнинг ижобати йўлидаги дуогўйи, яқин маслаҳатчиси бўлган нуроний отахонларимиз ва онахонларимизга қаратиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 9 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Авваламбор, бугунги қутлуғ айём - Конституциямизнинг 9 йиллиги билан сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий қонуни бўлмиш Конституциямизи қабул қилинган кунни катта байрам сифатида нишонлар эканмиз, бу ерда айтилган фикрларга қўшилиб, ижозатингиз билан, мен ҳам бу санага тегишли баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Албатта, Конституциямиз ҳақида, унда биз қураётган янги -эркин фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари аниқ-равшан белгилаб берилгани ҳақида, у ўзининг демократик моҳияти билан бутун дунёда эътироф этилгани тўғрисида кўп гапириш мумкин.

Лекин, барчамиз яхши тушунамизки, фақат Асосий қонунимизни таърифлаш билангина узоққа боролмаймиз.

Бугунги кунда Конституциямиз ҳақида сўз юритар эканмиз, энг долзарб, керак бўлса, энг буюк вазифамиз - Олий қомусимиз белгилаб, муҳрлаб берган асосий принцип ва тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишдан иборатдир.

Бу вазифани амалга оширишга нималар халақит бермоқда, олдимизда тўсиқ ва ғов бўлмоқда?

Биз бу борадаги муаммолар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу сабаблар орасида энг асосийси - аҳолимизнинг неча ўн йиллар мобайнида, тўрт-беш авлод умри давомида собиқ иттифоқ мафкураси ҳукмронлигида тарбияланганини, яъни бу тизимнинг салбий таъсири натижасида одамларимиз онгида қонунга беҳурматлик, уларнинг талабларига итоат қилмаслик, уларни бажармаслик хусусиятларининг ўрнашиб қолгани, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, етмиш тўрт йил мобайнида ҳукмронлик -зўравонлик қилган собиқ иттифоқ даврида қонун ва унинг моҳияти, жамиятдаги аҳамияти ҳақида камдан-кам сўз юритилар эди.

Бунинг сабаби эса, эски тузум шароитида қонун ва қонунчилик ўрнини ҳам кўпроқ коммунистик ғоя ва партия қарорлари эгаллаганида эди. Ва, керак бўлса, бу сохта мафкуранинг - давлат ҳаёти бўладими, жамият ёки инсоннинг шахсий ҳаёти бўладими, қолаверса, оиланинг ички ишлари бўладими - барчасига аралашиб кетгани, аралашиш у ёқда турсин, ҳатто ҳукмронлик қилгани ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, ҳозирги ёш авлоднинг бу гаплардан хабари йўқ, эҳтимол, бунга ишонмайди ҳам. Лекин ёши каттароқ, ўзининг ҳаёти давомида кўп нарсаларни кўрган кишилар буни яхши билади.

Табиийки, бундай шароитда яшашга мажбур бўлган одамлар онгидаги ана шу асоратлар ҳозиргача барҳам топган эмас. Яъни, қонун асосида эмас, буйруқ даражасига кўтарилган ғоя асосида яшашнинг таъсири, афсуски, ҳали-ҳануз сезилиб қолмоқда.

Ўйлайманки, мана шундай асоратлардан тезроқ халос бўлиш учун барчамиз - ҳам давлат, ҳам жамоат ташкилотлари ва ҳар қайси фуқаронинг ўзи қатъият билан ҳаракат қилиши керак. Биз жамиятимиз аъзоларининг, аҳолимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялашимиз, юксалтиришимиз керак. Бу ҳақда кўп гапирамиз, тарғибот ва ташвиқот қиламиз, аммо, афсуски, ҳали бу ишларимиз керакли натижаларни бераётгани йўқ.

Агар эътибор берсак, Конституция ва қонунларга юксак ҳурмат даражасини, бунинг аҳамиятини кўпгина демократик давлатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония сингари илғор мамлакатларда Конституцияга бундай муносабат одамларнинг кундалик ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган, айтиш мумкинки, уларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Кўпгина бундай давлатларда болаларни ёшлик пайтидан парламентга экскурсияга олиб бориш одати бор. Мен бунга кўп жойларда шахсан гувоҳ бўлганман. Ҳатто, Япония ёки Малайзия каби мамлакатларда эндигина мактабга қатнайдиган болалар парламент биносига ҳурмат билан таъзим қилганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бу таъзим - парламентнинг ҳашаматли биносига эмас, аввало шу бинода

(Давоми 2-бетда).

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг тарихий ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг ушбу сессиядаги нутқи республикамиз фуқаролари томонидан зўр қизиқиш ва манфаатдорлик ила ўқиб-ўрганилмоқда. Улар аср вабоси — халқаро терроризмга қарши курашда бирдам эканликларини изҳор этиб, Олий Мажлиснинг 2002 йил 27 январда келгуси чақирикда икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари бўйича референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини яқдил маъқуллаётганликларини маълум қилмоқдалар.

ҲАМИША БИРДАММИЗ

Ишчи халқининг табиати ўзига хос бўлади. Улар дилдагини очиқ-ойдин айтишга одатланишган. Мен ҳам умр бўйи ана шундай иродали, фидойи инсонлар сафида бўлдим. Ҳаётим давомида кўп даврларни бошдан кечирдим. Шўролар замонасида ишчилар синфи пешқадам, деб ҳисобланса-да, бу шунчаки сафсатадан бошқа нарса эмасди. Боиси, эрта тонгдан кун ботгунга қадар тер тўкиб ишласак-да, биримиз икки бўлмади, қадр топмадик.

Мустақилликка эришганимиздан кейингина қадр-қимматимиз, ҳурматимиз ўрнига қўйилди. Ўз еримизнинг ҳақиқий эгаси эканлигимизни чуқур ҳис этдик. Сўнгги ўн йил мобайнида фуқаролар онги, дунёқарашида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Оқ-қорани, ўтмишда алданиб яшаганимизни, тинчлик-хотиржамликнинг қадрини чуқур тушуниб етдик. Яхши англаймиз, қонхўр террор бор экан, ҳеч қачон осуда яшолмаймиз. Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган «Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Мурожаат халқимиз ҳоҳиш-иродасини ифодалади.

Мурожаатда таъкидлангани-дек, биз терроризмга қарши кураш бир кунлик ёки бир ойлик иш эмаслигини яхши тушунамиз. Шу боис, ўз вазифамизни сидқидилдан бажариб, бурчимизни виждонан адо этамиз, ҳамиша, ҳар он огоҳ хушёр бўлиб яшаймиз.

Восит ЖАББОРОВ,
ишчи, Тошкент шаҳар,
Юнусобод тумани.

ХАЛҚИМИЗ ДИЛИДАГИ ГАП

Туманимизда яхши бир анъана шаклланган. Яъни, нуфузли анжуманлар ишини ойнаи жаҳон орқали кўплашиб кузатамиз, фикрлашамиз, ўзимизга тегишли хулосалар чиқарамиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Олий Мажлис еттинчи сессияси кун тартибига қўйилган барча масалалар ғоятда долзарб эди. Бироқ, Олий Мажлиснинг 2002 йил 27 январда келгуси чақирикда икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалалари бўйича референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини ўзгача мамнуният билан қарши олдик. Бу ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган масала эди. Шундай қилинса, жамиятимизнинг изчил ривожланишини таъминлаш, барча ҳокимият тузилмалари ваколатлари мувофиқлигига эришиш, миллий давлатчиликнинг ташкилий ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашнинг қудратли омилига эга бўлинади. Гап мустақил Ўзбекистоннинг тараққиётига дахлдор умумдавлат миқёсидаги ўта муҳим масала устида кетаётганлигини яхши тушунамиз, Олий Мажлис қарорини яқдил қўллаб-қувватлаймиз.

Шарофат РАҲМОНОВА,
Шеробод тумани соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

ИНСОН ЭРКИНЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Юртимизда барча жабҳалар қатори инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам илғор янгиланишларни амалга ошириш, хусусан, сохани халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва тамойилларига мувофиқлаштириш борасида қандай ишлар олиб бориляпти?

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори, профессор Акмал САИДОВ билан суҳбатимиз ана шулар ҳақда бўлди.

- Дарҳақиқат, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг самарали воситаларини ишлаб чиқиш, бу борада халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва маданиятини янада юксалтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кези келганда, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича муайян тизимларни ва механизмларни жорий этишдан асосий мақсадимиз қайсидир давлатга ёки қандайдир халқаро ташкилотга ёқиш, манзур бўлиш учун эмас, балки бу ислоҳотлар бугунги давримиз талаби экани учун ҳам уларни рўёбга чиқаришга қатъий бел боғлаганимизни алоҳида қайд этиш жоиздир.

Негаки, Ўзбекистон аллақачон мустақил давлат сифатида БМТ ва унинг кўплаб ихтисослашган муассасалари, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи каби нуфузли халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этаётир. Қолаверса, мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги энг муҳим халқаро шартномаларга, хусусан, БМТ ҳужжатларига қўшилган. Муҳими - давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли аниқ ва равшан танлаб олинган. Демократик давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгиланган.

Айни вақтда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция, Женева Конвенциялари ва уларга Қўшимча протоколлар каби инсон ҳуқуқлари соҳасига оид 60 дан ортиқ муҳим халқаро ҳужжатга қўшилган бўлиб, унинг зиммасига мазкур ҳужжатларни тўла бажариш масъулияти ҳам юкланган. Шу боис 1996 йилдан буён ушбу халқаро ҳужжатларнинг ижроси, хусусан, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва ушбу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий маърузалар тайёрланиб, мунтазам равишда тегишли халқаро ташкилотларга юборилмоқда.

Мустақилликнинг ўн йили мобайнида мамлакатимиз парламенти томонидан инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасига таллуқли 120 тадан зиёд қонун қабул қилингани, айниқса, диққатга сазовордир. Булар қаторида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, шунингдек, Омбудсман тўғрисида, Оммавий ахборот воситалари тўғрисида, Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида, Сиёсий партиялар тўғрисида, Конституциявий суд тўғрисида, Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида, Судлар тўғрисида, Адвокатура тўғрисида каби кўплаб қонун ҳужжатларини санаб ўтиш мумкин.

(Давоми 3-бетда).

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 7 декабр куни иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси К.Жумабеков Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси раҳбари О.Муродов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, «Билдинг технолоҳиз» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бош директори С.Ким, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М. Ашуров иштирок этди. Парламент ушбу қонунни ва уни жорий қилиш тартиби тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУНГА ҲУРМАТ, ҚОНУНГА ИТОАТ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 9 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Боши 1-бетда).

қонунлар устида ишлайдиган депутатлар фаолиятига, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган олий вакиллик идорасига бўлган эҳтиром рамзидир.

Керак бўлса, бу таъзимни мана шу бинода яратиладиган қонунларга ҳурмат, уларга итоат этиб яшаш ифодаси, деб баҳолаш лозим.

Бундай ёндашувнинг чуқур маъноси, катта ижтимоий аҳамияти бор. Нега деганда, ҳар қайси инсон Конституция ва қонунларга ҳурмат билан қарагандагина бошқалардан - давлатдан, давлат идораларидан, қонунни муҳофаза қиладиган, унинг ижроси учун масъул бўлган ходимлардан ҳам қонунни сўзсиз бажаришни талаб қилишга ҳаққи бор.

Ана шундагина бутун жамият тафаккурида қонунга ҳурмат ва итоат билан қараш ҳукмрон бўлади.

Жамиятимизда Конституция ва қонунларга мана шундай муносабат - ҳурмат ва итоат билан қарашни тарбиялашда кўп нарса, аввало, давлат идораси - суд ва прокуратура бўладими ёки милиция ва адлия органлари бўладими - мана шу идораларда ишлайдиган хизматчиларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз даркор.

Ҳеч шубҳасиз, айнан мана шу идоралар ва уларнинг ходимлари қонунга қандай муносабатда бўлаётганига қараб, барча фуқаролар қонунни ҳурмат қилиш, унга итоат этиш масаласини ўзи учун белгилаб олади.

Содда қилиб айтганда, бу тўғрида кўп гапирадиган, ташвиқот қиладиган, унга бевосита жавобгар бўлган одамларнинг ўзи бу **масалага бошқача кўз билан қараса, аввало ўз манфаатини устун қўйиб, ундан кейингина қонун ижроси ҳақида ўйлайдиган бўлса, бошқалардан нимани талаб қилиш мумкин?**

Мана шу муаммонинг ечимида жуда кўп гап бор.

Чунки халқимизнинг «Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ», деган мақоли бежиз айтилмаган. Бошқалардан қонун ижросини талаб қилиб, ўзлари эса унга зид иш тутадиган айрим вазифада ўтирган раҳбарлар, ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларининг хатти-ҳаракатини ана шу мақол мисолида яққол ифодалаш мумкин.

Афсуски, мана шу масаланинг ечимида бизнинг катта заифлигимиз ва оқсоқлигимиз борлиги сезилиб қолмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, одамларнинг қонунларга нисбатан ҳурмати, ҳеч шубҳасиз, аҳолининг ҳокимиятга бўлган ҳурмати билан чамбарчас боғланганини чуқур англаб олишимиз даркор.

Шу боис биз бундай қарашни мактаб бўладими, олий ўқув юрти бўладими, ҳаётнинг ўзида бўладими, минг бор тарғиб қилмайлик, аввало қонунга ҳурмат масаласида бошқаларга ўрнак кўрсатиши лозим бўлган мансабдорлар, давлат ходимларининг ўзи ёшларимизга ибрат бўлмаса, қилаётган барча ишларимизнинг самараси ҳақида гапириш мумкинми?

Такрорлаб айтаман, бу ишни энг юқори давлат лавозимларида ўтирган одамлардан бошласак, айни муддао бўлади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади.

Бундай даъватлар қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги учун биз бугун нималарга кўпроқ эътибор беришимиз зарур?

Биринчилар қаторида яна ва яна бир бор одамларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, керак бўлса, умумий маданиятини ўстириш - бу албатта, керак. Ўқув юртларида, ишхоналарда, ёшми, қарими - аҳолининг барча қатламлари ўртасида бу ишни узлуксиз олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, давлат хизматчиларини танлаш, кадрларни жой-жойига қўйиш масаласида, аввало, инсоф ва виждон, иймон ва эътиқод, диёнат ва меҳр-оқибат деган тушунчаларни ўзига бегона деб билмайдиган одамларга алоҳида эътибор қаратиш, ходимларнинг ишга, ўз вазифасига нисбатан масъулиятини ошириш, нопок йўлда юрганларини эса жавобгарликка тортиш - бу ҳам, албатта, муҳим масала.

Учинчидан, бу соҳада олдимизда турган вазифаларни бажариш учун назорат тизимини мустаҳкам асосда ташкил этишимиз ва уни такомиллаштириб боришимиз катта аҳамиятга эга.

Бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман.

Нега деганда, бу масаланинг ечимида ҳам гап кўп. Фақат назоратни кучайтираман деб, чегарани йўқотиб қўймаслик, ҳар қандай масалада бўлгани каби, назорат қилишнинг ҳам ўз меъёри борлигини унутмаслик даркор. Яъни, назорат идораларининг сони кўпайиб, бутун ҳаётимиз фақат назорат қилишдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим.

Шу ўринда совет давридаги назорат тизимини эслаб ўтиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ўзингиз биласиз, аввалги тузум замонида қанча-қанча шундай ташкилотлар бор эди. Райижроқўм, оближроқўм, ҳукумат назорати ўз йўлига, бундан ташқари, партия ташкилотларининг назорати -райкомдан тортиб марказий комитетгача бўлган идоралар асосан ўз бурчини аввало назорат ўтказишда кўрарди.

Прокуратура, ОБХСС, милиция, хавфсизлик органлари, бунинг устига, «Халқ контроли», «Партия контроли» деган идоралар уларнинг устида тургани маълум. Энди бундай ақлга сиғмайдиган тизимлар тарихда қолди.

Лекин, афсуски, давлат ҳисобидан ойлик олиб ишлайдиган, лекин фаолияти самарасиз бўлган эски назорат тизимига хос айрим иллатлар бугун ҳам ҳаётимизда учраб турибди.

Шунинг учун бу масалага танқидий кўз билан қарамасак, буларнинг сони чегарасиз равишда ўсиб бораверса, эртага ҳаммамиз назоратчиларга айланиб кетмаймизми? Бундай ҳолатда, эскича айтганда, кетмон уриб, бизларни боқадиганлар қоладими ўзи, йўқми?

Назорат қилиш дарвозасини жуда кенг очиб берсанг, бунга хоҳиш билдирадиганларнинг сони кўпайиб бораверади: бунинг сабаби барчамизга маълум.

Ҳаётимизда шу маънодаги жуда кўп ривоят ва мисоллар борки, улар ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман.

Бундай аҳволдан чиқишнинг йўли борми?

Албатта, жамиятимиз тобора ривожланиб, одамларнинг онги, маънавий савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб бориши билан уларнинг ўз бурчини қонунга биноан бажариши ва, умуман, жамиятимизда қонун ҳукмронлик қилиши учун кўпроқ асос ва замин пайдо бўлади ва ҳаётимизда назорат қилиш зарурати тобора камайиб боради.

Лекин, шу кунлар қачон келар экан, жамиятимиз савияси қачон юксалар экан, деб қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри бўлмайди.

Бугунги кунда бундай муаммоларнинг ечимини, аввало, ҳаётимизда жамоатчилик назоратини кучайтиришда кўришимиз даркор.

Биз жамиятимиздаги демократик жараёнлар йўли - келажак тараққиётимиз ҳақида фикр юритар эканмиз, бу борада бизда кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамиятига ўтиш ғояси, бу ғоянинг маъно-мазмуни исботлаб, асослаб берилгани ҳақида эслатиб ўтмоқчиман.

Ҳозирги кунда мана шу йўлни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этиш, унинг янги-янги қирраларини очиб бериш барча олим ва амалиётчиларимиз олдида турган долзарб вазифадир, деб биламан.

Бугун биз учун бир ҳақиқат аниқ ва равшан бўлиши лозим.

Яъни, жамиятимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур.

Мана шу йўлни биз учун ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ўзимиз танлаган, ўн йиллик ҳаётий тажрибамизда синалган ягона тўғри йўл, деб қабул қилишимиз даркор.

Шундай экан, бугунги кунда ҳаётимизда ижтимоий назорат вазифасини бажараётган нодавлат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бирга, янги тузилаётган жамоат бирлашмаларига ҳам зарур шарт-шароит, қонуний имконият туғдириб бериш биз учун долзарб вазифа бўлмоғи керак.

Гап асло бу ташкилотларга давлат томонидан маблағ ажратиш ҳақида бораётгани йўқ. Бундай сиёсат ва ҳаракатлар биз учун мутлақо нотўғри, номаъқулдир. Чунки барчамиз яхши тушунамизки, ҳар қандай ишда, ҳар қандай жараёнда ким маблағ ажратса, ўша ҳукмронлик қилади.

Шундан кейин мустақил фикрлаш ва холисона сиёсат олиб бориш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Бу масалани ечишнинг бошқа йўли борки, у ҳам бўлса, бундай ташкилотларга қонуний нуқтаи назардан молиявий манбалар топиш имкониятини яратиб беришни назарда тутиш керак.

Бошқача айтганда, бу борада ҳам қонун ишлаши керак.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага тўхталмоқчиман.

Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу - юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимидир.

Бутун халқимиз тан оладиган бу тизимнинг аҳамияти, хосияти ҳақида, унинг юртимизда олиб бораётган серқирра фаолияти, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Айни вақтда мен ижтимоий нуқтаи назардан, келажагимиз нуқтаи назаридан қараганда, маҳалланинг энг демократик бошқарув усули ва тизими эканини инобатга олиб, бундай ижтимоий идоранинг ўрни ва таъсири давлат идораларига нисбатан кучайиб ва кенгайиб бориши, ҳаётимиздаги моҳияти тобора ўсиб боришининг тарафдориман.

Шу сабабли биз маҳалла тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз зарур. Ўзини-ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Кейинги пайтда мамлакатимизда кириб келаётган ҳар бир йилга маълум бир ном бериш ўзига хос анъанага айланиб қолганига барчангиз гувоҳсиз.

Бундан мақсад жамиятимизнинг асосий эътиборини мана шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга, унинг ҳаётини яхшилаш, бу йўлдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга қаратишдан иборат эканини ҳам яхши биласиз.

Биз шу мақсадда бундан бир йил аввал 2001 йилни Оналар ва болалар йили деб эълон қилган эдик.

Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар аввалги Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод йиллари бўйича ишлаб чиқилган дастурларга киритилган ишларимизнинг мантиқий давоми бўлган эди.

Аввало, шуни айтиш керакки, биз бу дастурнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини бугун одамларнинг, бутун жамиятимизнинг оила муаммоларига, оналар ва азиз фарзандларимизнинг саломатлигини сақлаш масалаларига бўлган муносабати ва қарашлари тубдан ўзгариб бораётганида кўришимиз мумкин.

Мен бу дастурнинг ижроси ҳақида батафсил ҳисобот бериб ўтирмоқчи эмасман. Фақат унинг эътиборга молик айрим жиҳатлари хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, дастурда мустаҳкам ва маънавий соғлом оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бола тарбияси, унинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида она ва оиланинг ролини кучайтиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Иккинчидан, бу тадбирларни амалга ошириш натижасида аҳолининг тиббий ва умумий маданияти, ўз саломатлигига, оила бахт-саодатининг асоси бўлган соғлом ҳаёт тарзига нисбатан эътибори кучайгани айниқса муҳим.

Бунга турмуш қураётган минглаб ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтаётгани, 50 минг ёш оила тиббий ҳимояга олингани, яна шунча ёш оила «Никоҳ ва оила асослари» курсида тегишли маълумотга эга бўлгани ҳам ёрқин далил бўла олади.

Учинчидан, «Она ва бола» дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш давомида биз ўз олдимизга қўйган кўп-кўп янги масалаларни ҳам ҳал этишга эришдик.

Айниқса, ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида юртимиздаги аёлларнинг 90 фоизи тиббий профилактик кўрикдан ўтказилгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, республикамизнинг барча минтақаларида «Она ва бола скрининги» каби биз учун янги бўлган тизимлар жорий этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу марказларда ҳозиргача 580 мингдан ортиқ аёлларимиз профилактик кўрикдан ўтиб, малакали тиббий маслаҳатлар олгани уларнинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ҳомиладор аёллар ва ҳомилани турли касалликлардан муҳофаза қилиш, уларни йод танқислиги ва камқонликка қарши дори-дармон билан бепул таъминлаш, тўрт ёшгача бўлган болаларни сариқ касалига ва полиомиелитга қарши эмлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда.

Оролбўйи минтақасидаги мураккаб экологик шароитда яшаётган хотин-қизлар ва болаларнинг ёз мавсумида яхши дам олишини ташкил этиш ва саломатлигини тиклашга алоҳида эътибор берилди.

Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида 4 минг 500 нафар опа-сингилларимиз, 20 мингдан ортиқ фарзандларимиз ҳордиқ чиқариб, малакали тиббий ёрдам олди. Бу мақсадлар учун жами 560 миллион сўм маблағ сарфланди.

Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида Республика перинатал марказини қуриш ва уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ниҳоясига етказилаётгани ҳам ана шундай муҳим тадбирлар қаторига киради.

«Она ва бола» дастурига биноан, биринчи марта мамлакатимизнинг ҳамма туманларида қизлар гинекологияси хизматлари ташкил этилди. Шунингдек, кичик ёшли ва балоғат ёшидаги қизларнинг саломатлиги бўйича Республика ўқув-услубий маркази иш бошлади.

Тўртинчидан, оналар ва болаларга мўлжалланган даволаш-соғломлаштириш муассасалари тизими анча кенгайиб, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланганини ҳам таъкидлаш зарур.

Буни, аввало, янгитдан қурилган, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт иншоотлари мисолида кўрамиз. Масалан, Гулистон, Қува ва Наманган шаҳарларида барпо этилган реабилитация ва соғломлаштириш марказлари, Нурота туманидаги туғруқхона мажмуи, Бешариқ туманидаги «Она ва бола» санаторийси ҳамда бошқа кўпгина объектлар шулар жумласидандир.

Дастурда болаларимизни жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида чиниқтириш масаласи ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Шу мақсадда бу йил мамлакатимизда биринчи марта академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ўйинлари ташкил этилди. Мактаб ёшидаги болалар ўртасида эса «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Табиийки, бундай дастурларни ҳаётга татбиқ этиш учун катта куч-ғайрат, катта маблағ ва моддий имкониятлар керак бўлади. Буни биргина «Она ва бола» дастурида 2001 йил учун белгиланган вазифаларни бажаришга 86 миллиард сўм ва 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ зарур бўлганидан ҳам билиш мумкин.

Биз дастур ижросини таъминлаш учун керакли молиявий манбаларни қидириб топишга, республика ва маҳаллий бюджетлар, жамоат ташкилотлари, турли жамғармалар, халқаро ташкилотларнинг имкониятларини сафарбар қилишга эришдик.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, шу ишга ҳисса қўшган барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан бир қаторда «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Ибн Сино», Болалар, «Экосан», Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармалари, «Маънавият ва маърифат», «Оила» марказлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, кўплаб жамоат ташкилотлари ҳамда ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО сингари нуфузли халқаро ташкилотларга ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Азиз юртдошларим!

Инсон зоти борки, дунёга орзу-умид билан келади. Оллоҳ берган куч-қувват ва ақл-заковатини эзгулик йўлида намоён қилиб, оила, уй-жой қуради, фарзандлар ўстиради.

Ҳар бир ота-она ўз зурёдининг ҳеч кимдан кам бўлмаслигига, уларни ўзи бошлаган ишларнинг давомчиси этиб тарбиялашга интилади.

Мана шундай олижаноб интилишлар инсонни инсон қилади, уни доимо виждони олдида ҳисоб бериб яшашга ундайди.

Ҳаётда ўзидан бирон-бир из, яхши ном қолдириш туйғуси одамни куч-қувватга тўлган, навқиронлик пайтида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарк этмайди. Ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр ўчмайди.

Лекин, табиат қонуни шундайки, ойлар, йиллар ўтиши билан одам балоғат, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига қадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳалла-қўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг беқиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим.

Бу азиз инсонлар биз барпо этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, ибрати ва ўгитлари билан катта ҳисса қўшаётганини айниқса қадрлашимиз даркор.

Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди. Ҳақиқатан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор.

Бундай хонадонни Оллоҳнинг ўзи асрайди. Мен буни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўрганман ва ўйлайманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шунинг учун ҳам мана шу заминда истиқомат қилаётган, ўз меҳнати билан даромад топиб, фаровон ҳаётга қадам қўяётган ҳар қайси инсон ўз оиласини таъминлаш, иморатлар қуриш, мол-мулк орттириш билан бир қаторда ота-онасига ҳам хизмат қилиши, уларнинг дуосини олиши ниҳоятда муҳимдир.

Шундай олижаноб интилиш, пок туйғу билан яшайдиган одамлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ўйлайманки, биз мана шу қадриятларни ёшларимиз қалбига ҳам сингдира олсак, бу фазилатлар уларнинг инсоний эътиқодига айланса, юртимиздаги барча оилалар аҳил, осойишта ва бахтли ҳаёт кечиради, жамиятимизда доимо тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради.

Азиз дўстлар, биродарлар, халқимизнинг ана шундай асрий қадриятларини инобатга олиб, юртимиздаги барча ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсадида мен кириб **келаётган янги - 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилишни таклиф этаман.**

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги кунда жамиятимизда азиз нуронийларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Ҳозирги вақтда бундай фахрийларимизнинг сони 3 миллион 87 минг кишини ташкил этади. Уларга ҳар ойда 28 миллиард сўм миқдорида пенсия тўланмоқда.

Давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан биргa, кексаларимизга кўпгина жамоат ташкилотларининг ҳам моддий ва маънавий кўмак бераётгани, бундай ҳаракат кенгайиб бораётгани, айниқса, ибратлидир. Хусусан, кейинги пайтда биргина «Нуроний» жамғармаси томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига 125 миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Мамлакатимизнинг бир қатор амалдаги қонунлари ва ҳукумат қарорларига кўра, пенсионерлар, уруш қатнашчилари ва ногиронларига тегишли имтиёзлар белгилаб қўйилган.

Жумладан, улар ер ва мулк солиқларидан озод қилинган, тиббий, маиший хизмат ва транспорт соҳаларида ҳам муайян имтиёзларга эга.

Лекин, бу масалага холисона баҳо берадиган бўлсак, жойларда баъзи мутасадди ходимларнинг лоқайдлиги, кексаларга беписанд муносабати оқибатида фахрийларимиз ўз қонуний имтиёзларидан тўла фойдалана олмаётганини ҳам кўриш мумкин.

Албатта, биз Қарияларни қадрлаш йили бўйича Махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш учун тегишли ҳукумат комиссиясини тузамиз. Ва шу дастурда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қарияларимизни асраш ва авайлаш, бир сўз билан айтадиган бўлсак, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш масалаларига доир чора ва тадбирлар ўз ифодасини топади.

Ана шу дастурда кексаларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, пенсия миқдорларини қайта кўриб чиқиш, айниқса, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг имтиёзлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман.

Бу дастурнинг асосий маъно-мазмуни шундан иборат бўлиши керакки, биронбир кекса инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслиги, ҳеч қачон ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги лозим.

Ҳурматли ватандошлар!

Бизнинг яқинлашиб келаётган янги йилни хонадонларимиз кўрки бўлган қарияларимизга бағишлаётганимиз, Яратганимизга ҳам манзур бўлади, иншооллоҳ.

Ишонаманки, кўпчилик мана шу байрам муносабати билан бугуноқ ўзлари учун қадрдон бўлган мўътабар зотларни зиёрат қилиб, ўз ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириб, уларнинг кўнглини кўтаради.

Жойларда ҳам ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари бу савобли ишга қўшилиб, муҳтарам қарияларимизнинг ҳолидан хабар олиб, уларга меҳр-оқибат кўрсатадилар, деб ўйлайман. Сизларни, бутун халқимизни Конституциямиз байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

(Боши 1-бетда).

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Б.Панаев тақдим этди. Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Нарпай туманининг «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов маъруза қилди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов депутатларнинг эътиборини кредитларни қайтариш, фоиз ставкаларини белгилаш, ссудалар беришни назорат қилишни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ҳал этиш масалаларига қаратди. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, мамлакатимизда кредит уюшмалари фаолиятининг шундай қонунчилик асосларини яратиш керакки, у ҳаёт талабларига тўлиқ жавоб бера олсин ва мазкур уюшмаларнинг изчил тараққиётини таъминласин.

Олий Мажлис ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва Президент Ислом Каримовнинг фикрларини инобатга олиб, уни янада такомиллаштириш ва мазкур ҳужжатни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори С.Умаров, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев ушбу ҳужжат ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда ривожланган суғурта хизматлари бозорини яратиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун аввало, суғурталаш фаолиятига халақит бераётган тўсиқларни бартараф этиш, жисмоний шахслар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш зарур. Бизга зарурат туғилганда одамларни қўллаб-қувватлай оладиган энг паст фоиз ставкали суғурта ташкилотлари зарур.

Парламент бу таклифларни инобатга олиб, қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади. Унинг матни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинади.

Парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов депутатлар эътиборига «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳаси бўйича Қўрғонтепа тумани ҳокими М.Қосимов, Ўзбекистон туманидаги 30-ўрта мактаб директори М.Анварова сўзга чиқди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этишга қарор қилди.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Солиев депутатларга «Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тақдим этди. Бу ҳужжат муҳокамасида Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси З.Машрабов, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, Ўзбекистон фанлар академияси президенти Б.Йўлдошев, «Янгийўл ёғ-мой» акционерлик жамияти директори М.Худоёров, «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов сўзга чиқди. Парламент қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Сессияда «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси котиби Э.Мирзаев маъруза қилди. Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси И.Собировнинг маърузасига асосан сессия Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг еттинчи сессияси котибияти раҳбари Х.Нўъмоновнинг ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Самарқанд вилоятининг Пойариқ ва Челак, Пастдарғом ва Гўзалкент туманларини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини, Олий Мажлис Кенгашининг қарорини тасдиқлади. А.Ахадовнинг Марказий сайлов комиссияси раиси этиб сайланиши муносабати билан депутатлар уни Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси вазифасидан озод қилди. Шунингдек, сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У.Мингбоевнинг маърузасига асосан Олий суд таркибига ўзгартишлар киритди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси ўз ишини якунлади.

БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

ИНСОН ЭРКИНЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда).

Шу боис, ҳозир мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасининг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилди, деб бемалол айта оламиз. Шу билан бирга, бу йўналишни янада такомиллаштириш, хусусан, соҳага оид амалдаги қонунларнинг ижросини ўрганиш ва уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб бориш баробарида янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш бўйича ҳам ишлар жадал давом этмоқда. - Мустақиллик йилларида ташкил топган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар тизими ҳақида ҳам қисқача мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчилик асосларини яратиш билан бир қаторда, шу соҳада фаолият юритувчи турли тузилмаларни ташкил этиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи давлат ташкилотлари билан бир қаторда юртимизда кўплаб нодавлат ташкилотлар ҳам самарали ривожланаётганини таъкидлаш ўринлидир. Бугунги кунда мамлакатимизда 300 тадан зиёд республика ва халқаро миқёсдаги нодавлат ташкилот, шунингдек, 2300 дан ортиқ маҳаллий жамоат бирлашмаси фаолият кўрсатмоқда. «Ижтимоий фикр» маркази, Ҳуқуқий кўмак жамияти, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Адвокатлар уюшмаси, Судьялар уюшмаси каби ҳуқуқни ҳимоя қилувчи нуфузли нодавлат ташкилотлар шулар жумласидандир. Пойтахтимизда 1996 йилдан эътиборан «Хьюман Райтс Вотч» халқаро ноҳукумат ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг ваколатхонаси ишлаб турибди.

Бу каби миллий, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан марказимиз ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Эътиборли томони шундаки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида Халқ демократик партияси, Фидокорлар, Миллий тикланиш, Адолат партиялари, шунингдек, Халқ бирлиги ҳаракати, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси фаол иштирок этмоқда. - Миллий марказ томонидан инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида сабоқ бериш, тарғибот-ташвиқот ишлари борасида нималар қилиняпти? - Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда ҳар йили камида элликта семинар, тренинг ва бошқа амалий анжуман ўтказилаётгани бу борада қандай ишлар амалга оширилаётгани ҳақида муайян тасаввур уйғотади, деб ўйлайман. Шу ўринда инсон ҳуқуқлари соҳасида фаол иш олиб борилаётган аҳоли тоифалари, асосан, аёллар, болалар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан иборат эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу кенг аҳоли қатламларининг ўз ҳуқуқларини билиш ва ундан фойдаланишга интилиши тобора кучайиб бораётгани -мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида пайдо бўлган сиёсий ва ҳуқуқий маданиятида янги ҳодисадир. Инсон ҳуқуқлари муаммолари билан шуғулланадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча идоралар ва бошқа бир қатор ташкилотлар ўз махсус нашрларига эга бўлиб, уларда мазкур масаланинг ёритилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Миллий марказ томонидан ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» ҳамда «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» журналларини эса тўлалигича шу мавзуга ихтисослашган етакчи нашрлар сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бу борада БМТ, Европа Иттифоқи, ЮНЕСКО, ЮСАИД каби халқаро ташкилотлар, К.Аденауэр ва Ф.Эберт жамғармалари ҳамда кўплаб демократик давлатлар элчихоналари билан ҳамкорлигимиз яхши самара бераётир. Хусусан, ЕХҲТ, Сорос фондининг Очиқ жамият институти ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг бевосита иштироки ҳамда молиявий кўмаги билан юртимизда инсон ҳуқуқларига оид турли китоблар, дарсликлар, плакатлар, рисолалар чоп этиш йўлга қўйилган. Хулоса қилиб айтганда, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган барча ишларимизнинг мазмун-моҳияти, аввало, Президентимиз таъкидлаганларидек, ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантиришга қаратилгандир.

Ғулом АБДИРАҲИМ суҳбатлашди (ЎзА).

АСОСИЙ ҚОМУСИМИЗ ТАРИХИДАН БИР ШИНГИЛ

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги шарофати билан ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари сарҳисоб қилинди, босиб ўтган йўлимиз, ўтмиш сабоқлари, келажак режалари ва имкониятларимиз таҳлил этилди.

Ана шу ютуқларга эришишда Конституциямизнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Келинг, бу муҳим ҳужжатнинг яратилиш тарихига бир кўз югуртирайлик.

Мустақилликни қўлга киритишимиз арафасидаги даврни хотирлайлик. Ўша йиллардан мустақилликка эришиш учун фаоллик Ватанимизда, айниқса, «Иттифоқ шартномаси»нинг тақдири ва уни ислоҳ қилиш ҳақидаги талаблар тарзида намоён бўлди. Айни вақтда ана шу «шартнома» талабларига қарамай, республикамиз раҳбарияти, хусусан Президентимиз Ислом Каримов ажнабий мамлакатлар билан иқтисодий-маданий алоқаларни тобора жонлантира бордилар.

Парламентимиз 1990 йил июнидаёқ Мустақиллик Декларациясини эълон қилди ва замонага мос Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бошчилигида комиссия таркибини тасдиқлади. Комиссия ўзбек миллий давлатчилиги, тарихий анъаналари ва айни вақтда умумэътироф этилган халқаро нормаларни эътиборга олиб, Конституция лойиҳасини тайёрлашга киришди. Ўша вақтлардаёқ СССР қонунлари Ўзбекистон парламентининг розилигисиз республикамизда амал қилмаслиги ҳақидаги қоида эълон қилинди. Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясида юртбошимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон раҳбарияти Марказнинг қонунга хилоф кўрсатмаларини бажариши мумкин эмас», деб баралла айтди. Бу воқеалар 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот ва Қонун қабул қилиниши билан ниҳояланди. Ана шу ҳужжатлар Конституциямизнинг туб мазмунини белгилаб берди.

Ғ.АБДУМАЖИДОВ, профессор.

ТАҚДИРИМДАН МАМНУНМАН

Яна икки ойдан сўнг табаррук саксон ёшга тўламан. Бугун эса, ҳаётимизнинг Асосий Қонуни қабул қилинганининг 9 йиллиги арафасида умр йўлимга зимдан назар ташладиму, қалбимни ажиб туйғулар чулғаб олди.

19 ёшимда иккинчи жаҳон урушига отландим. Беш йил жанг майдонида қон кечдик. Кейин эса тинч, яратувчилик меҳнатига шўнғиб кетдим. Роса 45 йил иқтисод соҳасида, фақат бир жойда меҳнат қилдим.

Тўқсонинчи йилларнинг бошларида юртимизда эркинлик эпкини кеза бошлади. Тадбиркорликка кенг йўл очилди. Шунда саккиз фарзандим, ўн чоғли набираларимни ёнимга олиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошладим. Туманимиз марказидаги қақраб ётган дарё соҳилидан бир неча гектар ерни ўзлаштирдик. Унга бор маблағимизни, куч-ғайратимизни сарф қилдик.

Биз ўзимизнинг мустақил давлатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган барча ҳуқуқларимиздан самарали фойдаландик. Ҳозир ўша ташландиқ майдонни таниб бўлмайди. Бу ерда ажойиб боғ ястаниб ётибди. Бир неча гектарда чорвачилик фермамиз фаолият кўрсатаяпти. Балиқ ҳавзамизда луқмаи ҳалолнинг ўнлаб тури парваришланаётир.

Ҳозир шу ерда, ўз кучимиз билан ёшларнинг ҳашаматли Бахт уйини тиклаётирмиз. У бир-икки йил ичида ишга тушади.Туманимизнинг йигит-қизлари ўз ҳаётларидаги энг бахтли, унутилмас маросимни эртаклардаги каби гўзал мана шу гўшада нишонлай бошлайдилар.

...Куни кеча 5 ёшли набирам «Бобожон, сиз бахтлимисиз?», дея савол бериб қолди. «Албатта-да, ширининим, — дедим унга, — юртимиздаги ҳар бир кимсага мен мана шундай бахтли, мана шундай серикбол кексаликни тилаган бўлардим».

Ҳайдар ДАМИНОВ, Уруш ва меҳнат фахрийси, Ғузор тумани.

ҚИШЛОҚДА ҲУҚУҚШУНОСЛИК ХОНАЛАРИ

Андижон вилояти ҳокимлиги, касаба уюшмалари Кенгаши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг саъй-ҳаракати билан шаҳар ва қишлоқларда Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш марказлари ташкил этилган.

Бу иш билан бевосита қонуншунослар, олимлар ва амалиётчилардан иборат комиссия ва эксперт гуруҳлари шуғулланишмоқда.

Гуруҳ аъзолари Президентимизнинг «Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ тузилган дастур бўйича турли методик қўлланмалар, дарсликлар ва кўргазмали ўқув қуроллари тайёрлаб, мазкур марказларнинг «Ўзбекистон Конституцияси» ва «Ҳуқуқшунослик» хоналарига юборишди. Ҳозир вилоятдаги 60 га яқин ўрта мактаб ҳамда касб-ҳунар коллежларида ана шундай хоналар фаолият кўрсатмоқда.

Бу марказлар ёш авлоднинг муқаддас Қонунимизни чуқур ўрганиши, ҳуқуқий саводхонлигини ошириши, уларнинг миллий истиқлол ғояси асосида тарбияланиши ва камол топишига ёрдам бермоқда.

М.АБДУКАРИМОВ.

АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

Конституциямиз халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини ўзида акс эттиради. Бу асосий Конституциявий қоида Меҳнат Кодексида ҳам ўз ифодасини топган.

Фуқаролар ўз ҳуқуқлари, бурчлари, имтиёзлари ва кафолатларидан хабардор бўлиш учун Конституцияга мурожаат қиладилар. Биз Олий Мажлис котибияти юридик бўлимининг масъул ходими Ғофуржон СИРОЖЕВдан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида қайд этилган фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатловчи қоидани шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

— Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир фуқаро ўзининг шахсий сиёсий ҳуқуқлари билан бирга иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларига ҳам эгадир. Шу ўринда Қомусимизда меҳнат қилиш, касб танлаш ҳуқуқи, меҳнат ҳамда ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқи ва эркинликларига кенг урғу берилган.

Инсон меҳнат жараёнини ўзи танлайди. Қандай касб ва мутахассисликни эгаллаш, ҳамда танлаш манфаатлари ва эҳтиёжларига қараб ўзи ҳал этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли меҳнат муносабатларини маҳаллий шароитга қараб, шунингдек, шахсий шартнома асосида тартибга солиш усуллари вужудга келди. Фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий кафолатлари — меҳнатга давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан паст ҳақ тўламаслик, иш вақтининг энг кўп муддати, меҳнат таътилининг энг кам муддати, меҳнат қилишнинг хавфсиз шароитларини таъминлаш каби қоидалар Меҳнат Кодекси ва Қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ маъмурият ташаббуси билан ходимни ишдан бўшатишга фақат касаба уюшмаси розилиги билан йўл қўйилади.

Ҳар бир фуқарога меҳнат қилиш ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш имкони берилган. Республикамиз Конституциясида фуқароларнинг ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи илк бор қонун моддаси билан мустаҳкамланди.

Аввалларги ишга жойлашишдан бош тортган фуқароларни маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эди. Эндиликда Конституциямиз негизида қабул қилинган қонунларимизга кўра, ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик фуқароларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди. Бу қонун эса Халқаро меҳнат ташкилотининг 1957 йил 25 июндаги «Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисида»ги Конвенция талабларига мувофиқдир.

Н.ТУРСУНОВА суҳбатлашди.

СЕНИНГ ЛОЧИНЛАРИНГМИЗ, ВАТАН!

«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир».

(«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»нинг 52-моддасидан)

Мен болаликдан учувчи бўлишни орзу қилардим. Аввалига ўзим яшаган Миробод туманидаги ўрта мактабда, кейинроқ эса Алишер Навоий номли Нафис санъат лицейида ўқиб юрган йилларимда ҳам шу орзу мени тарк этмади. 1997 йили етуклик аттестатини қўлга киритгач, Жиззах учувчилар тайёрлаш олий ҳарбий билим юртига йўл олдим. Ҳамма имтиҳонларни фақат «аъло»га топшириб, билим даргоҳига қабул қилиндим. Бунда, албатта, жисмоний тайёргарлигим яхши эканлиги муҳим аҳамият касб этди.

Тўрт йиллик ўқиш давомида биз ҳарбий самолёт ҳамда вертолётларнинг бир қанча турларини бошқариш санъатини мукаммал эгалладик. Бизга устозларимиз ўз билганларини қунт билан ўргатдилар. Мана, бир неча ойдирки, биз илк қалдирғочлар сифатида мустақил равишда парвоз қилаётирмиз.

Мен ҳозир, айни йигитлик йилларимда ўзимнинг Ватан олдидаги Конституциявий бурчимни бажараётганим, яъни ўз республикам осмонини ҳимоя қилаётганим билан фахрланаман. Кўм-кўк, тип-тиниқ само қўйнида парвоз қилар эканман, «Она Ватан, биз сенинг ишончли лочинларингмиз, сенинг тинчлигинг, осойишталигингни кўз қорачуғидек асраймиз!» дегим келади.

Умид АСИЛОВ, ҳарбий учувчи.

ОРЗУ — УМИДЛАР ИФОДАСИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - олий қадриятлар кафолати» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир республика Маънавият ва маърифат маркази, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар Бош Қонунимизни чуқур ўрганиши, унинг мазмун-моҳиятини теран англаши катта аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши бу борада амалий қўлланма бўлмоқда.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган тадбирда ёшлар тарбиясида Бош Қомусимизнинг ўрни ва аҳамияти, Конституция - соғлом турмуш тарзи омили, оналар ва болалар ҳуқуқлари билан боғлиқ мавзулардаги маърузалар тингланди.

Элбек ХОЛИҚОВ, ЎзА мухбири.

ЁШЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўла маънода мустақил мамлакатимизнинг ҳуқуқий асосидир. Буни ўтган даврда эришган сиёсий, иқтисодий соҳадаги муваффақиятларимиз ҳам исботлаб турибди.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистонимизда демократик жараёнлар янада чуқурлашиб, давлат ва жамият ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Шунингдек, бу йўналишдаги янгиланишларнинг ҳуқуқий асоси бевосита Конституциямиз моҳиятидан келиб чиққанлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Хўш, мустақил Ўзбекистонимиз ҳуқуқий ҳужжатининг олдинги Конституциялардан фарқини нималарда кўрамиз? Истиқлолимизгача бўлган «Конституция»ларда давлат манфаати ҳамиша биринчи ўринга қўйилган бўлса, ҳозирги асосий Қомусимизда инсон манфаатлари бош омил сифатида акс этган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳаётимиз қомуси дея бутун халқимиз томонидан эътироф этилаётганлигининг боиси ҳам мана шунда. Жумладан, бошидан охиригача фуқароларга меҳрибонлик руҳи сингдирилган бош сиёсий ҳужжатимизда истиқболи буюк мамлакатимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар хусусида IX-боб-нинг 44-моддасида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга...».

Бинобарин, ҳамма жойда бўлгани каби, вилоятимизда ҳам ўрта мактабни битирган ёшларнинг касб-ҳунар ва ўзлари танлаган мутахассисликларни эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Бугунги кунда Наманган вилоятида учта олий ўқув юрти, ўнлаб коллежлар, Академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Фарғона водийсидаги йирик олий билим масканларидан саналган Наманган Давлат педагогика институти Президентимизнинг 1992 йил 28 февралдаги фармойиши асосида университетга айлантирилди. Бунинг фарқи шундаки, олдинлари фақат умумтаълим мактаблари учун ўқитувчи кадрлар тайёрланган бўлса, ҳозирда 23 йўналиш бўйича ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларига юқори малакали мутахассислар етказиб берилмоқда. Бошқачасига айтганда, биз муаллимлар билан бирга ҳуқуқшунос-ўқитувчилар, иқтисодчилар, халқ амалий санъати мутахассислари ва бошқа касб эгаларини ҳам тайёрламоқдамиз. Шунингдек, университетимизда педагогика институтларидан фарқли ўлароқ ўн бир йўналиш бўйича магистрлар ва айни чоғда 12 йўналишда аспирантурада кадрлар ўқитилмоқда. Умуман, ўқув юртимизда ҳозир 3700 нафардан ортиқ талаба бўлиб, улардан 2700 дан кўпроғи кундузги, қолганлари сиртқи бўлимларда таълим олмоқдалар.

Ёшлар ўзлари танлаган соҳаларини пишиқ-пухта эгаллашлари учун малакали профессор-ўқитувчилар дарс бераётирлар. Жумладан, уларнинг 22 нафари фан докторлари ва профессорлар, 156 нафари эса фан номзодлари ва доцентлардир.

Биз университетимиз талабаларининг илм-фан сирларини пухта эгаллаш соҳасида эришаётган ютуқлари билан фахрланамиз. Энг яхши ўқиётган 360 талабамиз 8 номдаги стипендиялар олаётирлар. Навоий номидаги, Президент ва Давлат стипендиялари, шунингдек, «Умид» ва касаба уюшма стипендиялари шулар жумласига киради. Ёшларимиз бундай бахт-саодатга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси берган имкониятлар туфайлигина муяссар бўлдилар.

Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ, Олий Мажлис депутати, сиёсатшунослик доктори, профессор.

Гулистон шаҳридаги «Гулшан» болалар ва ўсмирлар ижодий уйида «Президент асарлари билимдони» кўрик-танлови ўтказилди. Тест синовлари мактабларда Президент асарларини ҳамда тарих фанини ўрганиш яхши йўлга қўйилганини намоён этди. Ўқувчиларнинг Юртбошимиз асарлари бўйича тайёрлаган ижодий ишлари - иншо, реферат, альбом, буклет ва чизган расмлари ҳам ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

БИЛИМДОНЛАР СИНОВИ

Кўрик-танлов натижаларига кўра Мирзаобод туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Латофат Фозилова, Ш.Рашидов туманидаги 5-мактаб ўқувчиси Зокир Усмонов ва вилоят хорижий тиллар лицейининг ўқувчиси Умид Абдуллаев 1-3 ўринларни эгаллади. Ғолибларга вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг совғалари топширилди.

Т.АҲМАДАЛИЕВ, ЎзА мухбири.

Сиз кутган учрашув

МУМТОЗ ҚЎШИҚЛАР СЕҲРИ

Яхши қўшиқ руҳият озиғи, шу сабабдирки халқимиз санъатни севади, санъаткорни бошига кўтаради.

Суҳбатдошимиз Азамат Отажоновнинг қўшиқлари ўзига хослиги, миллий услуби билан ажралиб туради.

— Халқ қўшиқчилиги тарихи инсониятнинг узоқ ўтмиши сингари қадимийдир, — дея мушоҳада юритади у. — Дастлабки бадиий адабиёт намуналари қўшиқлар шаклида яратилганлиги ҳақида эшитганим бор. Демоқчиманки, қўшиқчилик тарихининг ибтидоси инсоният яратилиши билан боғлиқ. Аждодларимиз ўзларининг орзу-армонларини, ўй-ҳавасларини қўшиқлар воситасида ифодалаб келган.

Бугунги тезкор ва шиддатли замонамизда ҳам қўшиқнинг жамият ва инсонлар ҳаётидаги ўрни ошса ошяптики, пасайгани йўқ. Хорижликларнинг юртимизга келиб ўзбек санъатини ўрганаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Яқинда матбуот нашрларидан бирида Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиеванинг Бельгиядаги концерт дастури ҳақидаги мақолага кўзим тушди. Унда мумтоз қўшиқларимизнинг ижроси хорижликларнинг юксак эътирофига сабаб бўлганлиги айтилади. Мана шунинг ўзи ҳам санъатимизнинг бетакрор ва ўзига хослигини исботламайдими?!

— Сиз яратган қўшиқларда мақомчилик анъаналарига уйғунлик бор. Аксари тенгдошларингиздан фарқли ўлароқ нега бу йўлни танладингиз?

—Халқимизнинг асрий орзулари унинг қўшиқларида мужассамлашган. Бу айниқса, мақомларда яққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам улар авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша яшаб келмоқда.



Эҳтимол, шу сабабдир менда мақомчилик санъатига ўзгача меҳр уйғонган. 1991 йилда Туркманистонда Ўрта Осиё миқёсидаги мақомчилар танловида ғолиб бўлдим. Бу шубҳасиз руҳимни кўтарди. Мендан ёрдамини аямаган, санъат сирларини ўргатган устозим Фаттоҳхон Мамадалиевдан бир умр миннатдорман. Комилжон Отаниёзов, Муроджон Аҳмедов, Маъмуржон Узоқовлар санъатидан ҳамиша илҳом оламан.

Бугун, санъат, агар таъбир жоиз бўлса, ёшармоқда. Айниқса, эстрада тез ривожланмоқда. Лекин,енгил — елпи, маъно жиҳатдан саёз қўшиқлар яратилаётгани, ҳам бор гап. Албатта, санъат кенг даргоҳ. Мухлислар ҳам ҳар хил, фақат бир нарса: хонанда санъат олдидаги, халқ олдидаги масъулиятини унутмаслиги керак.

— Айни кунда қандай қўшиқлар устида ишлаяпсиз?

— Одатда санъаткорлар янги қўшиқларини саҳнада ижро этмагунча сир сақлашади. Мен ҳам шундайман: янги қўшиқларим — ҳозирча сир. Фақат таниқли шоирлар ҳамда Рустам Абдуллаев, Рустам Маҳмудов, Алишер Каримов сингари истеъдодли бастакорлар билан ҳамкорликда ишлаяётганимни айтишим мумкин. Бу ҳамкорлигим яхши натижа беради, деган умиддаман.

Суҳбатдош: Ш. УЛУҒОВ.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ

Хорижий тилларни ўрганишнинг Давлат таълим андозасига мувофиқ инглиз, француз ва немис тилларида янги ўқув дастурлари яратилди. Республика таълим марказининг Ғарбий Оврупо тиллари бўлими томонидан ишлаб чиқилган бу дастурлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари устида жиддий ишлар олиб борилиб, дастлабки ютуқлар қўлга киритилди.

Бешинчи синф «Инглиз тили» дарслиги ҳам ўқувчилар қўлига бориб тегди. Бу мажмуа дарслик, ўқувчи учун машқ дафтари, ўқитувчи китоби ва кассеталар кўринишида чоп этилди.

Босмага тайёрлаш жараёнида «Инглиз тили» мажмуаси Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида синовдан яхши ўтди. Ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналарнинг фикрлари асосида дарслик янада бойитилди.

Китоб муаллифларининг бу самарали изланишлари муносиб баҳоланди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Устоз» республика жамғармаси томонидан ўтказилган 2001-2002 ўқув йили учун «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» танловида ушбу мажмуа биринчи ўринли мукофот билан тақдирланди.

А.АЛИЕВ.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

«УМИД НУРИ»

Тошкент Давлат болалар касалликлари тиббиёт институти кўз касалликлари кафедраси негизида очилган саломатликни тиклаш марказининг фаолияти жонланиб кетди. Бу ерда кўзи яхши кўрмайдиган ногирон болаларга тиббий хизмат кўрсатиш борасида бой тажрибалар тўпланди.

Унинг «Умид нури» лойиҳаси бўйича амалга ошираётган жарроҳлик муолажалари ҳам самарали бўлмоқда. Охунбобоев номидаги махсус мактаб-интернатининг бир неча тарбияланувчиси шу марказда даволаниб, ёруғ дунёни яхши кўрадиган бўлди.

Бундай жарроҳлик ишларини олиб боришда «Мерси прожект» инглиз фирмаси билан ҳамкорлик жуда қўл келди. Мана, етти йилдирки, бу фирма билан тузилган шартнома асосида муолажалар олиб борилмоқда.

«Умид нури» лойиҳаси доирасида шифобахш жараёнлар ўз самараларини бера бошлади. Эндиликда «Катаракта», «Ғамхўрлик» лойиҳаларини амалга оширишга ҳам киришилди. Чет эллик шериклар кўмагида кўрсатилаётган хайрия ёрдамларидан шаҳардаги махсус ёрдамчи мактаб-интернатлар ҳам мамнун.

Овоз эшитиш аппаратлари ҳам совға қилинди. Бунинг учун тўрт минг АҚШ долларига яқин маблағ ажратилди. Шунингдек, 3600 доллар миқдорига тенг бўлган совғалар ҳам ногирон болаларга улашилди.

Ним табассум

УМР

Бир куни мулла Насриддин тез оқар дарёдан сода бир илм соҳибини олиб ўтаётганида бир жумла сўзни хато айтиб балога қолибди. Шунда ҳалиги ўқимишли киши:

— Нима сиз умрингизда грамматикани ўқимаганмисиз? - дебди.

— Йўқ, - жавоб берибди Насриддин.

—Ундай бўлса, сиз ярим умрингизни йўқотибсиз.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, мулла Насриддин зиёлидан сўрабди:

— Сиз сузишни ўрганганмисиз?

— Йўқ, нимайди?

— Ундай бўлса, сиз бутун умрингиздан маҳрум бўлибсиз. Биз чўкаяпмиз!

МАСЛАҲАТ

Мулла Насриддин тиланчилик қилиб катта бир бойнинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан чиққан хизматкор: «Ўй эгаси йўқлар», - деб жавоб қилди.

— Жуда соз. У киши келсалар айтиб қўй, уйда бўлмаганларида дераза ойнасида башараларини қолдириб кетмасинлар, ўғирлаб кетишлари мумкин, - дебди Афанди.

КАЛИТ

Насриддин чўккалаб ўтирган ҳолда ердан ниманидир қидираётганида қўшниси чиқиб қолади.

— Нима қидираяпсиз?

— Калит йўқолиб қолди.

— Қаерда?

— Уйда.

— Уйингизда йўқолган бўлса, нима учун бу ердан излаяпсиз?

— Уйимиз жуда қоронғу, бу ер эса ёруғ. Шунинг учун шу ердан излаяпман.

МУХБИР БОЛАНИНГ КАРОМАТИ

ҳажвия

Эрталаб ишга кетаётсам туман марказидаги боғ олдида тумонат одам. Боғ дарвозаси ёнида туман уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи бўлиб ишлайдиган эски танишим бақувват қўлларини белига тираганча турибди.

— Ҳа, тинчликми, Норматвой? Нима бало, яна комиссия келаяптими дейман? — сўрадим у билан қўл олишарканман.

— Қанақа комиссия, ошна. Комиссия кеча кетган. Қанақадир мухбир бола «парка ундай, парка бундай» деб ўтган куни вилоят газетасига боплаб уриб чиқибди. Шундан бери тинчлик йўқ.

— Анави ариқ тозалаётганлар бизнинг ишчилар, — деди ошнам бир тўда эркагу аёлларни кўрсатиб — боғ ичиям тўла одам. Ҳокимнинг ўзи боғдан ҳозир кетди. Мақолада у кишиниям роса обориб — обкелибди мухбир.

— Э, шу мухбирларгаям ҳайронман, — ёзғирди ошнам яна жиғибийрони чиқиб. — Жуда меличний халқ бўлишади-да. Сенга ёзадиган мавзу керак экан, паркага ёпишмай, мендан сўрамайсанми. Сенга ёзадиган мингта мавзу топиб бераман. Очиғини айтсам, бу вазифада орият учун ишлаб юрибман. 6 ойдан бери 2 та ахлат ташийдиган машина, тўртта тележкага на бензин, на солярка тополмай сарсонман. Ёрдам берувчи бирон тирик жон йўқ. Катталарга учрашсанг, раҳбармисан, топ, дейишади.

Норматвой ичидаги дардини тўкиб солишга одам тополмай ўтирган экан шекилли, ҳеч тўхтай демасди. Ишга кечикаётганлигимни айтиб у билан хайрлашдим.

Хуллас,ўша танқидий мақоладан сўнг туманда озодалик бўйича «жанговар тревога» эълон қилинди. Кўчалар супурилди. Уй, ҳовлилар оқланди. Уч кун ичида ҳаммаёқ чиннидай ялтираб қолди. Ариқлар тозаланиб, тиниқ сувлар оқа бошлади. Кўрсанг одамнинг бахри дили очилади.

Бўлмаса ҳар йиғилишда озодалик ҳақида минг марта гапирилади. Қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла қўмиталарининг раисларига бу ҳақда сон-саноқсиз топшириқлар берилган. Аммо, шу пайтгача натижа бўлмаганди-да.

Қаранг, дўстим айтганидай, битта мухбир боланинг ёзган шапалоқдай мақоласидан кейин ҳаммаёқ «чиста» бўлди-қолди. Бир ҳафтада нафақат боғ, барча қўрғону қишлоқлар келинчакнинг уйига айланди. Тумандаги қанчадан-қанча валломат амалга оширолмаган ишни битта мухбирнинг ўзи эпладди. Қани эди, дўстим айтган ўша мухбир болалар туманимизга тез-тез келиб туришса, бошқа нуқсонлардан ҳам фориғ бўлармидик.

С. ЎТКИРОВ.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Орол денгизи. Ўтмишда кўпгина тоғ, дарё, шаҳар ва қишлоқлар бир эмас, бир неча ном билан аталган. Орол денгизининг йигирматача номи бўлган.

Орол денгизининг асл номи «Арал-тенгиз» бўлиб, «орол шаклидаги денгиз» маъносини англатади.

***

Амударёни юнонлар ҳамда римликлар Окус ёки Оксус, араблар эса «Жайҳун» («Телба») деб атаганлар. Дарёнинг ҳозирги номи эса Амуля шаҳри номидан олинган. Шаҳар кейинчалик Чоржўй деб атала бошланган.

Қадимги кишилар сайёраларни ақл ва иродага эга бўлган сеҳрли нарса деб билганлар. Шу боис уларни кўпинча худолар номи билан аташган.

КУН ДАРЧАСИ

Венера-Зуҳра сайёрасининг юнонча номи Афродита. Қадимги юнонлар Венерани бири эрталаб, иккинчиси кечқурун кўринадиган икки юлдуз деб фараз қилганлар.

Венерага сифат бериб, «Кун дарчаси» деб ҳам аталган.

Венера катта сайёралар ичида энг ёруғи. У эрталаб қуёш чиқмасдан илгари ва кун ботар пайтида уфқда чарақлайди. У шу қадар равшанки, уни хатто кундузи ҳам бемалол кўриш мумкин.

Шу боисдан ҳамма даврнинг шоирлари бу юлдузнинг гўзаллигини мадҳ этишган.

Унинг исми ҳам жисмига монанд бўлиб, муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси бўлмиш Венера номи билан аталиши бежиз эмас.

Биз уни «Тонг юлдузи Зуҳра» деб атаймиз.

Бирни кўриб фикр қил...

ДЎСТЛАРИМИЗ КАМ БЎЛИШМАСИН

Тойлоқ туманида бугунги кунда 54 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўттиз етти минг нафардан зиёд ўқувчи таълим олаётир. Агар ёшларга икки минг саккиз нафар ўқитувчи дарс ўтаётганини назарга олсак, туман халқ таълими тизимининг салоҳияти нақадар катта эканлигини кўриш мумкин.

Ана шундай катта оилани бюджет ҳисобидан боқиш, бунинг устига таълим-тарбия ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бироқ туман халқ таълими бўлими ўзини-ўзи таъминлашнинг истиқболли усулларидан кенг фойдаланмоқда.

— 1999 йил вазирлигимиз томонидан «Таълим муассасаларида сармоядан ташқари маблағларни топишни ташкил қилиш» бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганди, - деди туман халқ таълими бўлими мудири Яздон Ҳамдамов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Тавсияномада сармоядан ташқари пул топишнинг 20 дан ортиқ манбаи кўрсатилди.

Я.Ҳамдамовнинг айтишича, бу йил туман бўйича 4 минг нафар болалар мактабга тайёрлаш гуруҳларига қабул қилинди.

Бундан ташқари бир қатор мактабларда ўқувчи ва барча хоҳловчиларга хорижий тилларни ўргатувчи пуллик марказлар ишлаб турибди. Ўқиш учун ойлик тўлов беш юз сўмни ташкил этаяпти.

Кези келганда туман ҳокимининг қарорига кўра, мактабларга қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун маълум миқдорда ер ажратиб берилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Тадбиркор муаллимлар бу имкониятдан унумли фойдаланмоқда. Жумладан 19-мактаб жамоаси ўзларига тегишли бўлган 1 гектар майдонга ҳар йили экин экишиб, 1 миллион сўмгача даромад олмоқда. Ориф Ёриев ва Мирзо Норбўтаев раҳбар бўлган мактаблар жамоаси ҳам худди шундай мўмай даромад кўришаётир. 19-мактаб жамоаси 1,5 сотих лимонзордан 100 минг сўм, Лутфулла Ҳайдаров директорлик қилаётган 38-мактаб жамоаси 30 сотих ерга картошка экиб 600 минг сўм даромад қилди.

— Мактабдаги спорт мажмуаларини ижарага бериш, спорт турлари бўйича пуллик секцияларни очиш орқали ҳам пул топаяпмиз, - деди Я.Ҳамдамов. — Масалан, 28-мактабда 40 нафар бола учун таэквондо секцияси ишлаб турибди. 21-мактабда йўлга қўйилган кураш тўгарагида эса юздан ортиқ бола иштирок этаётир.

Вилоят ҳокимининг қарори билан ҳар ҳафтанинг жумаси «Таълим ва тиббиёт куни» деб белгиланиши мактабларга ҳомийлик ёрдами кўрсатишни жонлантириб юборди. Тумандаги барча ташкилот раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар ҳар ойда бир марта мактабларда бўлишиб, тизимга амалий кўмак бераяпти. «Давлатобод», Улуғбек номли ширкат хўжаликлари, «Азиз» акциядорлик жамияти, «Бекат» хусусий корхонасининг ҳимматидан мамнунмиз. Умуман олганда ҳомийларнинг бу йилги кўмаги 9 миллион сўмдан ошди.

Бу таълим тарбия ишларининг яхшиланиши, мактабларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашда қўл келаяпти.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Марказий қўмита етакчи мутахассиси Маҳмудахон Мурзаевага қайнонаси **МАТЛУБА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 01.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 3124. 1 2 3 4 5 6